

Хизмат кўрсатиш Шартнома № 1
(Смета ҳужжатларини бажаришга доир)

Марҳамат тумани

2022 йил «26» май

«Марҳамат туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими» номидан, ҳаракатдаги Низоми асосида фаолият олиб борувчи бошлиғи М.Сатқулов кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи, бир томондан, «NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ номидан корхона Низоми асосида директор Қ Шаропов иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

I. Шартнома мазмуни

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги бино ва иншоотларни қурилиш ишларига ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

1.2. **Объект номи:**

Марҳамат туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига қарашли Ўзбекистон маҳалла фуқаролар йиғинига бино қуриш учун смета ҳужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартноманинг баҳоси

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси 7 200 000 (Етти миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Қўшимча ишлар пайдо бўлганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи Бажарувчига бажарилган ишларни қабул қилиш учун шартнома умумий қийматининг олдиндан 30 фоизи миқдорида 2 160 000 (Икки миллион бир юз олти минг) сўм аванс туловини амалга оширади. Колган 70% 5 040 000 (Беш миллион қирқ минг) сўмни бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган ҳужжатлари (лойиҳалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил 25.06 кунига қадар ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;
- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;
- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;
- ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур ҳужжатларни тақдим этади;
- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;
- Бажарувчи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;
- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

- 5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.
- 5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.
- 5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.
- 5.4. Буюртмачи ҳисобот ҳужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

- 5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.
- 5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.
- 5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топиладиган, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга отказилган зарарларни тўлайди.
- 6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб борилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари

- 7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби


- 8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек отказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Асака туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

IX. Бошқа шартлар

- 9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.
- 9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
- 9.4. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Марҳамат туман Маҳалла ва онлани қўллаб-қувватлаш бўлими	«NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ
Марҳамат туман Мингтепа МФЙ Бобуршоҳ кўчаси	Асака шаҳар Сохил Бўйи кўчаси 8а уй
х/р: 401722860032277011401259001	ТИФ Миллий банк Асака филиали
ИНН: 207 317 187 МФО: 00014	МФО: 00893ИНН: 305 637 531
Молия Вазирлиги Ғазначилиги	М. 2020-0000 0008 9859 6001
Ғаз/хр 23402000300100001010 ИНН 201 122 919	
Марказий банк Тошкент ш. МФО: 00014	
Бошлик: М.Саткулов	Қ Шаронов
М.ў.	М.ў.

Қўйилган:  Н. Садрероф